

МАРГИЛОНЛИК МАТЛУБАХОН ИСМОИЛОВА “МЎЎТАБАР АЁЛ” КЎКРАК НИШОНИ СОҲИБИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ жорий йилда ҳам жамиятимизнинг бир гурӯҳ фаол аёллари «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан мукофотланди.

Қувонарлиси, улар орасида марғилонлик моҳир ҳунарманд ва фермер аёл Матлубахон Исмоилова ҳам бор.

Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида ўtkазилган маросимда М.Исмоилова ушбу мукофотни шаҳар ҳокими Адҳам Зиявийтдиновдан тантанали тарзда қабул қилиб олди.

Тадбирда вилоят бош отинойиси Хилолаҳон Комилова, вилоят диний ишлар бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси Сайёр Алимова ҳамда бир гурӯҳ шаҳарнинг фаол нуроний онахонлари иштирок этиб кўкрак нишони соҳибасини юксак эътироф билан карра муборакбод этдилар.

2022-03-09 16:46:25